

Навоийда ана шу мавзуда халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси, «Камолот» жамғармаси ва журналистлари қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилиги Маркази, Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармаси минтақавий ваколатхонаси ҳамкорлида ташкил этди.

Уч кун давом этган анжуманда Конрад Аденауэр жамғармаси ҳудудий мухтор вакили Вольфганг Шрайбер ҳамда мамлакатимизнинг танқили олимлари ва мутахассислар кун тартибидеги масала юзасидан сўзга чиқдилар.

(ЎЗА)



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 24 апрел, шанба №48 (695)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТ ВАШИНГТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 23 апрел кuni НАТОнинг 50 йиллиги муносабати билан ўтказиладиган саммитда иштирок этиш учун АКШ пойтахти Вашингтонга жўнаб кетди. Сафар олдида давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью бериб, жумладан, бундай деди:

- НАТО таркибида бугунги кунда 16 та давлат бор. Вашингтонда бўладиган саммитда альянсга яна уч мамлакат - Чехия, Польша ва Венгриянинг аъзо бўлгани расман эълон қилинади. НАТО иштирокчиларининг сони 19 тага етди. Айни пайтда бу иттифокқа қўшилишга интилиш жуда кучли. Шунинг учун бу саф яна ҳам кенгайтириш мумкин. Ҳозир яна тўққиз давлат, жумладан, Болтиқбўйи мамлакатлари ҳам НАТОга аъзо бўлишга ҳаракат қилмоқда.

НАТО қoшида тинчлик ва хавфсизликни сақлаш учун ўзаро ҳамкорлик қилиш борасида 40 дан зиёд давлатдан иборат бирлашма ҳам бор. Улар, асосан, «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури бўйича биргаликда иш олиб боради. Унда Ўзбекистон ҳам иштирок этиб келяпти. Бироқ бу НАТОга аъзо бўлишни олдимизга мақсад қилиб қўйилмаган. Бунинг халқимиз, жамоатчилигимиз билан қўйиши учун айтилган. Президент Ўзбекистоннинг Шимолий Атлантика блокига аъзо бўлиши учун Вашингтонга кетаётган, деган фикрлар пайдо бўл-

маслиги лозим. Умуман, биз бугунги кунда минтақамиздаги жўғрофий-сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда, ҳарбий ва хавфсизлик масалаларига асосланган бирорта блокка киришни қўзғайётганимиз йўқ. Чунки бундай ҳаракат мавжуд мувозанатнинг бузилишига олиб келади. Шунинг учун биз Тожикистонда Россия ҳарбий базасининг жойлаштирилиши масаласига ҳам қарши чиқдик. Чунки тинчликни таъминлаб турган мувозанатни бузиш осон, уни эски ҳолатига қайтариш, тиклаш эса қийин бўлади.

НАТОнинг ҳозирги таркибига эътибор қаратилса, унга аъзо давлатларнинг барчаси иқтисодий жиҳатдан кудратли, узоқ йиллик умиминсоний қадриятларга эга, ҳаёт даражаси юқори ва демократия борасида кўп йиллик таърибга эга бўлган мамлакатлар эканини кўраемиз. НАТОни Югославияда уруш бошлаганида, босқинчиликда айбланганлар кимлар экани сир эмас. Маълумки, Югославия ҳукумати Косовода яшайдиган мусулмонларга тазийқ ўтказиб, Косово албанларини ўз тупроғидан скиб чикариш сиёсатини олиб бормоқда.

Косово халқи билан тинч-товуш яшаш ўрнига, 1989 йилда уларнинг мухторият макomini бекор қилди. Яъни, косоавлик албанларга нисбатан ўтказилаётган қатагон кеча бошлангани йўқ, балки у ўн йиллик тарихга эга. Моҳаронинг сабаби ҳам ана шунда. Бундай келишмовчиликлар ҳеч қачон бир давлат ҳудуди билан чегараланиб қолмайди. Унинг портлаши, чегарадан чиқиб кетиши, албатта, табиий ҳол. Югославия президенти Слободан Милошевич НАТО талабларини бажарса, вазият яна изига тушиши мумкин. Бу талаблар Косоводаги албанларга тазийқ ўтказиш ва уларни қатагон қилишни тўхтатиш, серб ҳарбий кучларини ўлкадан олиб чиқиш, косоавлик қочқинларнинг ўз уйларига қайтиши учун имкон яратиш, халқаро тинчликни сақлаш кучларининг минтақага киритилишини таъминлашдан иборат.

НАТО демократик давлатларни бирлаштирувчи, уларнинг бошини қовуштирувчи, Европада хавфсизлик ва тинчликни сақловчи, аъзо мамлакатларни ҳимоя қилишга кафолат берадиган ташкилотдир. Шимолий Атлантика блокдаги қачан давлатларнинг, у хох кичик бўлсин, хох катта бўлсин, ҳуқуқи бир хил. Қарор қабул қилишда уларнинг бирортасига нисбатан тазийқ ўтказилмайди. Яъни барча муносабатлар демократик асосда ташкил этил-

ган. Бу жиҳат, масалан, МДХ доирасидаги тартиблардан фарқ қилади. Айримлар НАТО босиб келмоқда, деб айоханнос солмоқда. Бироқ Европадаги ҳозирги вазиятни инобатга олиб айтганда, улар урушни хоҳлайдими? Тинч ва барқарор яшаётган бу минтақа давлатларига уруш сира ҳам керак эмас. Улар фақат ўз хавфсизлигини ўйлайди, холос. Шу нуқтага назардан олиб қаралганда, НАТО ҳақида аниқ гапларни айтиш керак. Бугунги кунда бу ташкилотга киришни истаётганлар сони кўпаймоқда. Агар НАТОга аъзо бўлиш уларга хавф туғдирганда эди, бунчалик интилишлар бўлмас эди.

Қисқача айтганда, НАТО кимларгадир хавfli бўлиб қуринади. Аммо бизнинг назаримизда альянс сафидаги демократик давлатлар ва умуман, умиминсоний қадриятларни юксак даражага кўтаришни мақсад қилган мамлакатлар ҳеч қачон бошқаларга хавф қўзғайиш мумкин эмас. Улар, авваламбор, ўзи ва бошқаларнинг тинчлигини сақлаш учун бирлашмоқда.

Албатта, Ўзбекистон делегациясининг Вашингтонга боришидан мақсад фақат НАТО саммитида иштирок этиш эмас. АКШ раҳбарлари билан учрашишни ҳам режалаштирганамиз. Бундан ташқари, Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки раҳбарлари билан ҳам муло-

қот ўтказишни мўлжаллаганмиз. АКШ Сенати Буюк ипак йўли бўйича қонун қабул қилишга ҳаракат қилмоқда. Буюк ипак йўлида жойлашган мамлакат раҳбарларининг шу қонун бўйича фикрини билиш борасида мулоқот ўтказилади.

Маълумки, Грузия, Украина, Озарбойжон ва Молдова давлатлари иштирокида ўзаро иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти тузилган. Ўзбекистоннинг АКШдаги элчихонасида мазкур давлатлар раҳбарлари билан учрашиб, мамлакатимизнинг мана шу ташкилотга аъзо бўлишни таъминлайдиган ҳужжатга қўл қўйишни режалаштирганмиз. Бу эса Ўзбекистоннинг Қора денгизга чиқиши ва транспорт коммуникацияси ривожига муҳим аҳамиятга эгадир. Умуман, мазкур сарфдан қўзланган мақсадлар тинчлик-оқошталликни сақлаш, жаҳондаги илғор демократик давлатлар билан дўстликни мустаҳкамлаш ва ўзаро муносабатларни ривожлантиришга қаратилгандир.

Пойтахт аэропортида Президент Ислам Каримовни Олий Махлис раиси Э.Халилов, Бош вазир У.Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎЗА)

9 май - Хотира ва Қадрлаш кuni

Нукусда бунёд этилаётган Хотира ва Қадрлаш майдонини барпо этиш ишлари поёнига етмоқда. Иккинчи жаҳон урушида шахид кет-




ТАВАРРУК ЗИЁРАТГОҲ

ганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик миллий меъморчилигимиз асосида қайта таъмирланди. «Мотамсаро она» мажмуи қуриб битказилди. Етти ярим гектар майдонни эгаллайдиган хиёбонга фавворалар ажиб кўрк ва шукуҳ бахш этиб туради.

Улкан зиёратгоҳ 9 май кuni очилади. **А. ИСКАНДАРОВ, ЎЗА мухбири**

ЭҲТИРОМ РАМЗИ



9-май Хотира ва Қадрлаш кuni деб эълон қилинганидан сўнг Республикаимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари, туман ва вилоятларида ушбу кун-

ушбу кунга алоҳида ҳозирлик кўрмоқда. Мактаб ҳовлисида уруш қатнашчиларига эҳтиром рамзи сифатида ёдгорлик ўрнатилди. Ёдгорликка урушда ҳалок бўлган 300 нафардан ортиқ аскарларнинг номлари ёзилган.

Уни бунёд этишда ўқитувчилар ҳамда уруш фахрийларининг хиссалари катта бўлди.

Суратда: уруш қатнашчиси А.Қодиров жанг майдонларидаги хотираларини ёшларга сўзлаб бермоқда.

П.ЭРГАШЕВ олган сурат.

Мухбиримиз бонг уради МАЪМУРИЯТ ЭЪТИБОРСИЗ, КАСАБАҚҰМ ҚАТБИЯТСИЗ

Салқам минг нафар киши ишлайдиган муассасанинг ўзига яраша ташвишлари ҳам етарли. Челақ туман марказий шифохонаси ҳам бундан мустасно эмас. Ёл соғлигини сақлаш ишларини ташкил этишдаги мавжуд муаммоларнинг ўзбек фаолиятининг асосий қисмининг банд этиши таянч. Бироқ ана шу ишларни бевосита бажарадиган тиббиёт ходимларининг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқлари кафолатланиши зарурлигини унуттишга ҳеч қимнинг ҳаққи йўқ. Афсуски, туман марказий шифохонаси маъмурияти ходимларининг ҳуқуқларини менисмаган, жамоа шартномасининг аҳамиятини тан олмаган кўринади. Натijaда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси талаблари кўпол равишда бузилиши ҳоллари кузатишмоқда.

Тўғри, Челақ туман марказий шифохонасида бу борада баъзи ижобий ҳаракатлар қилинаётганлигини инкор этолмаймиз. Муассасада 1998 йилда ҳам, 1999 йилда ҳам жамоа шартномаси қабул қилинган. Уларнинг айрим бандларини ишлаб чиқишда меҳнатқарорларни ижтимоий ҳимоялашга доир Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари инобатга олинган. Шу билан гўё ҳамма ишлар ниҳонсига етгандек. Бундай ҳаракатни расмиятчилик учунгина қозони қоралаб қўйиш десак, тўғри бўлади. Туман марказий шифохонаси касабаси уюшма кўмитаси раиси Н.Нурбеков Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшма кўмитасига ёзган маълумотномасида муассаса маъмурияти 1998 йилги жамоа шартномасининг ўндан ортиқ бандини ёки ақсарият қисмининг бажармаганини қайд этди. Ажаб, мажбурият нима учун қабул қилинади? Ходимларнинг манфаатлари тўғрисида қайгурмайдиган раҳбарларнинг тутган бундай йўлини қандай изоҳлаш мумкин?

Ҳақиқатдан ҳам шундай бўлган, - дейди касабакўм раиси Н.Нурбеков. - Биз бу ҳақда бош шифокорга бир неча бор мурожаат қилганмиз. Лекин сезиларли ўзгаришлар бўлмади. Кўп масалаларнинг ечими маблағ етишмаслигига бориб тақалапти, шекилли.

Муассасада 1999 йил учун қабул қилинган жамоа шартномаси билан таъинишда давом этамиз. Мазкур меъёрий ҳужжатнинг Меҳнат Кодекси талаблари даражасида эмаслиги, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгашининг тавсияларига мутолақа мос келмаслиги, хуллас, номукамаллиги кўзга яққол ташланади. Жамоа шартномасида меҳнат муҳофазасига оид бундай ҳужжатнинг Меҳнат Кодекси талаблари даражасида эмаслиги, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгашининг тавсияларига мутолақа мос келмаслиги, хуллас, номукамаллиги кўзга яққол ташланади. Жамоа шартномасида меҳнат муҳофазасига оид бундай ҳужжатнинг Меҳнат Кодекси талаблари даражасида эмаслиги, Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Кенгашининг тавсияларига мутолақа мос келмаслиги, хуллас, номукамаллиги кўзга яққол ташланади.

Тиббий муассасада ички меҳнат-тартиб қоидалари ҳам йўқ эди. Ҳар ҳолда танишиш учун уни бизга тақдим этишмаганидан шундай хулосага келиш мумкин. Энг ажабланишли шундаки, маъмурият таркибидеги ходимларнинг айримлари ҳам мазкур ҳужжатлар ҳусусида дуруст тасаввурга эга эмасликлари яширишмади. Шундан сўнг биз жамоа шартномасининг қабул қилиш жараёни қандай кечганлиги билан қизиқдик. Суҳбатлардан шу нарса аниқландики, жамоа шартномаси матни тор доирада ишлаб чиқилган, сўнгра имзолаш учун бош шифокорга тақдим этилган. Ҳолбуки, жамоа шартномаси лойиҳасини тайёрлаш, муҳокама ва қабул қилиш тартиби Меҳнат Кодексида аниқ белгилаб қўйилган.

Жамоа шартномаси доирасидаги ишлар ўлда-жўлдалигига ишонч ҳосил қилган, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, ҳуқуқлари меҳнат шартномаларида ифодаланганмикан, деган ўйда кадрлар бўлимига мурожаат қилдик. Афсуски, бу ерда ҳам ҳафсалямиз пир бўлди. Бўлимда кексалик ёки ногиронлик нафақасига чиққан ҳамда айни пайтда ишлаб турган 10-15 нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномалари мавжуд экан, холос. Ваҳоланки, туман марказий шифохонасига қарашли муассасаларда 983 нафар ходим ишлайди. Кадрлар бўлимида мавжуд меҳнат шартномалари ҳам Меҳнат Кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133- қарори талабларига мос равишда расмийлаштирилмаган. Бизни ҳайратга солган яна бир нарса шу бўлдики, туман марказий шифохонасида уч йил аввал амалдан чиқарилган меҳнат қонунлари қўлланилмоқда.

Мен яқиндагина ишни қабул қилдим. Хали ўрганиб улгурмадим, - дейди кадрлар бўлими бошлиғи Гўзал Абдухамидова. - Бундан бун ҳамма ҳужжатларни қонуний расмийлаштиришга ҳаракат қиламан, албатта.

Хуллас, ахвол ташвишланарли. Техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси масалалари билан ҳам атрофича танишиш ниятимиз бор эди. Узрли сабабга кўра уша кuni бош шифокор, бошқа мутасаддилар иш жойида йўқ эканлар.

Фикримизча, маъмуриятнинг эътиборсизлиги, касабакўмининг қатъиятсизлиги сабабли шундай ахвол юзга келган. Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят тармоқ касабаси уюшма кўмитаси туман шифохонасидаги ахволни ўрганиб, амалий ишларга туртки беради, деган умиддамиз.

Рустам ҚҶРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

Мамлакатимизда кўчли ижтимоий ҳимоялаш сиёсати бозор иқтисодига ўтишининг энг муҳим тамойилларидан бири ҳисобланади. Ана шу тамойил илчил ва самарали амалга оширилаётгани туфайли аҳоли турмуш даражаси, халқ фаровонлиги юксалиб бормоқда.

Тошкент вилоятида ҳам аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган талай тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга кўрсатилаётган давлат ёрдами маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётгани ҳам айни мuddоа бўлди.

Вилоятда бугунги кунда қарийб саккиз юзта ўзини ўзи бошқариш органи фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг барчаси ўз ҳудудидаги кўп болали оилаларга давлат нафақаси, 441таси эса моддий ёрдам тайинлаш ҳуқуқига эга. Ўтган йили кўп болали оилаларга 1302,2 миллион сўм нафақа тўланди, кам таъминланган фуқаролар эса 285,8 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам олди. Жорий йилнинг ўтган икки ойи мобайнида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари моддий ёрдам сўраб берилган аризаларнинг 14 минг 767 тасини, болалар нафақаси бўйича тушган аризаларнинг 49812 тасини қондирди. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, бундай ижтимоий ҳимоя ҳаракатлари молия идоралари томонидан маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисобига ўз вақтида ўтказиб берилаётган.

Давлат томонидан кўрсатилаётган мuddатли моддий ёрдам ва кўп болали оилаларга бериладиган нафақаларни кимлар олиши мумкин? Албатта, бунинг ҳозирги кунда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг фаоллари мустақил ҳал этмоқда. Зеро, улар ўз ҳудудларидаги оилаларнинг моддий аҳолини яхши билдилар.

Шу билан биргаликда аҳолини ижтимоий ҳи-

моялаш борасида жиддий камчиликлар ҳам мавжуд. Катта молиявий имкониятлар борлигига қарамай эҳтиёжманд оилаларнинг барчаси ҳам давлат гам-хўрлигидан тўла баҳраманд бўлолмапти. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари банкдаги ҳисоб рақамларида ижтимоий ҳимоя маблағлари қолдириш узоқ вақт ҳаракатсиз қолиб кетаётгани, шу ба-

ИЖТИМОЙ ЁРДАМ КИМЛАРГА БЕРИЛМОҚДА?

ҳона уларга навбатдаги маблағларнинг тўла келиб тушмаётгани бунга мисол бўла олади. Вилоятда болали оилаларга нафақа тўлаш бир ойлик лимити 187,2 миллион сўм этиб белгиланган ҳолда шу йилнинг ўтган икки ойи мобайнида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳисоб рақамларига унинг бор-йўғи 74 фоизигина ўтказиб берилган, холос. Охангарон шаҳрида ва Қиррай туманида бу рақам 39 фоизни, Юқоричирчик туманида 51 фоизни ташкил этади. Олмалиқ ва Янгийўл шаҳарларида икки ой давомида умуман маблағ ўтказилмаган. Боз устига молиялаштирилган маблағ билан тўлов варақаси бўйича тайинланган маблағлар ўтасидаги фарқ катта. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан молия бўлимига тўлов варақалари ўз вақтида тақдим этилмаётгани ҳамда халқ банки шохобчалари нақд пул билан етарли таъминланмаётгани бунга асосий сабаб бўлаётган.

Кам таъминланган оилаларга давлат томонидан кўрсатилаётган моддий ёрдамни амалга ошириш ва ҳолларда эскича белгила-нишига йўл қўйилаётган. Хусусан, Янгийўл тумани «Эски қовунчи» қишлоқ фуқаролар йиғини шу йилнинг январь ойи учун болалар нафақасини янги миқдорда тақдим этганига қарамай туман молия бўлими эскича миқдорда пул ўтказиб бергани бунга мисол бўла олади.

Давр аҳолини давлат томонидан кўчли ижтимоий ҳимоя қилишининг амалдаги механизмининг шароитдан келиб чиққан ҳолда жиддий такомиллаштириб боришни талаб этмоқда. Зеро, бу борадаги тажрибаларни омалаштириш, ўзини оқламаган усул ва усуллардан бутунлай воз кечиш лозим. Афсуски, вилоятда ана шундан келиб чиққан ҳолда меъёрий ҳужжатлар қайта кўриляётгани, пухта ишлаб чиқилаётгани йўқ. Натijaда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари кўп ҳолларда талай муаммоларга дуч келаяпти, чалқашликларга ҳам йўл қўймоқда. Масалан, Қиррай туманидаги «Оққовоқ», «Салар», «Ўнқўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғинида нафақа сўраб мурожаат қилган оилалар ту-

нг моддий ва мулкий аҳоли деярли ўрганилмагандан туриб, уларнинг аризалари қондириб юборилган. Аризаларни қайд қилиш дафтарида фуқароларнинг исми шарифи, тайинланган нафақа миқдори, санаи кўрсатилмаган. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ижтимоий ёрдамни тайинлашда фақат келиб тушаётган аризалар билан қиёяланган қолмаслиги керак. Айрим жойларда фуқароларга тўла асосланмаган ҳолда сурункасига моддий ёрдам тайинлаш одат тусига кирган. Бу эса аҳоли ўртасида боқимандалик кайфиятининг ку-

манларида ҳам кузатиш мумкин. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда пенсияларни вақтида тўлашни таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Вилоятда ҳар йили 20 миңдан ортиқ фуқаро, шу жумладан, 3,1 миң нафар кишига имтиёзли шартларда пенсия тайинланмоқда. Бироқ уларни ўз вақтида ва тўла тўлаш борасида талай камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётган. Бу ҳолни айниқса Тошкент тумани мисолида кузатиш мумкин. Туман ижтимоий таъминот бўлими ва почта алоқаси идораси раҳбарлари томонидан тегишли назорат ўрнатилмагани натижада пенсияларни атайлаб кечиктириб тарқатиш, пенсия ҳисобидан эски газета, гугурт бериш каби салбий ҳолатлар барҳам топаётгани йўқ.

Фуқароларга пенсия тайинлашда қонунбузарликларга йўл қўйилаётгани эса кечириб бўлмас ҳолдир. Афсуски, Олмалик ва Чирчик шаҳарларида мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш ҳолатлари аниқланди. Жумладан, Чирчик шаҳар ижтимоий таъминот бўлими катта инспектори Ж.Қирғетова шаҳар алоқа бўлими почталовни Е.Чебакова билан ўзаро тил бириктириб қалбаки ҳужжатлар ёрдамида шу йилнинг январ ойида давлатнинг 221 миң сўмини ўзлаштириб юборганлар. Улар энди қилмишларига яраша жазо оладилар.

Хулоса қилиб айтишда бўлсак, аҳолини ижтимоий ҳимоялашда савабни ишга панжа орасидан қараб кайфиятга барҳам бериш, бу борада давлат томонидан ажратилаётган маблағларни ўз ўрнида ва самарали ишлатиш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари масъулиятини тўдан ошириш лозим.

Неъмат ДУШАЕВ, ЎЗА мухбири.

ТОШКЕНТ ОЛИМПИА САММИТИНИ КАБУЛ ҚИЛМОҚДА

Тошкентда Осиё олимпия кенгаши ижроия кўмитаси ва Халқаро олимпия кўмитаси аъзолари иштирокида Осиёнинг 43 мамлакати Миллий олимпия кўмиталари бош қотибларининг кенгаши иш бошлади.

Кенгаши Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Ҳамидулла Кароматов очди. У ушбу нуфузли анжуманининг Ўзбекистонда ўтказилиши давлатимиз спортчиларининг хизматлари, уларнинг жаҳонда дўстлик, тотувлик ва осойишталикка қўмақлашувчи олимпия ҳаракатини ривожлантиришга қўллаган ҳиссаси Осиё олимпия кенгаши томонидан тан олиншидан далolat беришини таъкидлади. Инсон шахси демократик принциплар асосида шаклланаётган мамлакатимизда кишининг жисмоний ва маънавий камол топишида ноёб восита ҳисобланган спортга катта эътибор берилмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг Исрол Каримов ва ҳукуматимиз спорт ва олимпия ҳаракатини ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. Мустақиллик йилларида барпо этилган ва энг юқори халқаро талабларга мос келадиган Олимпия шон-шўҳрати музейи, спорт саройларимиз, теннис кортлари ҳамда спорт мажмуалари бунга яққол мисол бўлади.

Халқаро олимпия кўмитаси шафелигида республикамизда 1995 йилда минтақада спорт ва олимпия ҳаракатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган Биринчи Марказий Осиё уйинлари бўлиб ўтди.

1998 йилнинг сентябр ойида Халқаро кураш уюшмасининг барпо этилиши билан халқимизнинг миллий спорт тури ҳисобланган кураш 28 мамлакатда ўз муҳлисларини топди. Шу йил 1-2 майда эса Тошкентда кураш бўйича Биринчи жаҳон чемпионати бўлади.

(ЎзА).



Соҳларим толим-толим, Майдалаб ўрай, дейман. Бахти кулган элимнинг Иқболини кўрай, дейман. А. ТўРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

Алпомиш юрт истеъдодлари

Кўшиқ... нега у бунчалар инсон қалбига яқин? Унинг сўзлари шоир юрагидан сизиллиб чиқкани сабабми? Эҳтимол, кўшиқча ҳофиз ўз дардларини кўшиб қўйлагани учундир? Не бўлганда ҳам яхши куй билан қанотланган, мазмунан бой бўлган ҳар қандай наво одамзотнинг доимий ҳамраҳи.

Инсон зоти борки, дам олганда ҳам, қаерда ва қандай ҳолатда бўлмасин, ё кўшиқ қўйлайди, ё тинглайди. Ҳеч бўлмаса, ўзинча хиргойи қилади. Хатто севинч тўла кўзлари, шодликдан шафақдек ёнган юзлари ё аксинча, мунг чўккан қорачўғлари билан сўзсиз, оҳангсиз кўшиқ қўйлаётган одамларни учратиш мумкин. Демак, кўшиқ инсон ҳаётининг салмоқли бир бўлаги экан...

Аммо бугунги кўшиқчилигимиз ҳақида фикр юритганда, ана шу салмоқли бўлакка бироз пулур етгандек кўринади. Негак, ёшлар орасида жанридаги наво, деб тақдим этаётган баъзи кўшиқлар аслида навосиздир. Мазмунан саёз, пала-партиш сўзлару фарбу шарқ музикларидан ўзлаштирилган куйлардан иборат бу кўшиқлар на маданиятимизга хизмат қилади, на маънавиятимизни бойлатади. Аксинча, улардан кулқулар батангу дил хуфтон бўлади, холос...

Энг замонавий мусиқа йўли, бадий жихатдан мукамал матн ва ўзбек мусикаси дунёсига янгилик бўлиб қирган Сурхон оҳанглари М.Намозовнинг ижодий йўлини белгилаб берди. Ҳофиз ижросидаги «Бахшиёна» кўшиги эса ўзбек мусикаси дунёсига янгилик бўлгани бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Бу кўшиқ бахшиёна оҳанглари ҳам замонавий мусиқа йўлида ижро этиш мумкин эканлигини кўрсатди.

«Бахшиёна» кўшиги билан М.Намозов 1990 йили Ботир Зокиров номидаги замонавий кўшиқлар кўриктанловида фахрли иккинчи ўринни олишга сазовор бўлди. Муҳими, ҳонанда танлаган йўлни халқ ва тингловчи маъқуллади. Шундан кейин яратилган «Гулдона» кўшиги халқ орасида танилиб кетди. Мазкур кўшиқ ҳам оғир рок йўлида яратилган бўлиб, оҳанг мотивлари соф сурхонча эди.

Уз кўшиқлари билан халқ дардини, миллат аҳтиёжини намоян қилаётган ҳофиз Сурхондарёнинг Боботўра бағрида узок қолиб кетолмасди. Улкан оҳанглари улкан аудиторияга талаб қилмоқда эди. 1995 йили ҳофиз Тошкентга қўйиб келди.

Графика ва ҳайкалтарошлик кўргазмаси

Ўзбекистон Бадий академияси «Ўзбекистон графика ва ҳайкалтарошлик санъати» республика кўргазмасини ташкил этиди. Унинг Марказий кўргазмалар залида қарий эллик муаллифнинг беш юздан ортиқ асари намойиш этилмоқда.

Кўргазмада Жавлон Умарбеков, Марат Содиков, Медат Кагаров, Анвар Мамодонов каби машҳур рассомлар ижод намуналари билан бир қаторда ақлгина ёш санъаткорларнинг асарларига ҳам кенг ўрин берилган.

Сохта текширувчи тузоққа илдинди

062 - ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ

Навоий вилояти давлат солиқ бошқармаси ва унинг ҳудудий органларидаги «Ишонч» телефонлари 062 рақами берилганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шунга қарамай бу рақам кўпчиликка ёд бўлиб кетган. Айни кунларда одамлар солиқ қонунчилигидаги тушунмовчиликлар, шубҳали текширувлар, савдо ва хизмат соҳасидаги қинғир ишлар ҳақида ушбу рақамни териб солиқ идораларига маълум қилишапти.

Масалан, кейинги уч ой давомидида «Ишонч» телефони орқали 153 та хабар олинди. Шундан 122 тасида солиқ қонунчилиги бўйича тушунча ва маслаҳатлар сўралган бўлса, қолган қисмида жойларда солиқ қонунчилиги ва савдо қоидалари кўпол равишда бузилаётганлиги маълум қилинган эди.

Солиқчилар қўнғирқондан сўнг ҳар бир маълумотнинг нечоғлик тўғрилигини текшириб, тегишли чоралар кўрмоқдалар. Ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги тушган маълумотларни текшириш жараёнида 2 та жиноий иш қўзғатилди, 8 та материал маъмурий чора кўриш учун суд органларига юборилди, 21 нафар қонунбузарга нисбатан 79 миң 200 сўм маъмурий жарима қўйилгани.

Телефон орқали вилоят давлат солиқ бошқармасига берилган маълумотлар асосида бозорлар бўйлаб бир қатор рейдлар уюш

тирилди. Шу жараёнда 75 миң сўмлик акциз марказиз спиртли ичимликлар ва 511 миң сўмликдан ортиқ ноқонуний санаот ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотишдан тўхтатилди. Тушган шикоятларнинг бирида Навоий шаҳрида жойлашган «Парадиз» хусусий фирмаси дўканларида савдо қоидалари бузилаётганлиги маълум қилинган эди. Шу маълумот асосида ўтказилган текширув давомида шикоят тасдиқланди ва жавобгар шахсларга нисбатан Жиноят кодексининг 189-моддаси 2-қисми билан жиноий иш қўзғатилди. Ҳозир шаҳар ички ишлар бўлими томонидан тергов ишлари олиб борилмоқда.

Шаҳар давлат солиқ инспекциясига «Ишонч» телефони орқали берилган яна бир хабар ҳам солиқчиларни тезкор рейдага олантирди. Қўнғирқон қилган номаълум шахс Навоий шаҳрига Тошкент-Волгоград йўналиши бўйлаб қатновчи поездда хар хил ноқонуний товарлар, шу жумладан катта миқдорда акциз марказиз спиртли ичимликлар келатганлигини маълум қилган эди.

Поезд Навоий шаҳри вокзалида тўхташи билан тезкор тадбир бошланди. Солиқчилар ҳуқуқни муҳофаза

этувчи идораларнинг ходимлари билан поезддан туширилаётган юкларни бирма-бир кўздан кечириб чиқдилар. Шунда фуқаролардан О.Оризов 197 миң 595 сўмлик, М.Бозорова 127 миң 998 сўмлик, Ш.Ерқулова 185 545 сўмлик ҳар хил товарларни ноқонуний равишда олиб келаяётганлиги аниқланди. Уларнинг бирортасида ҳам тижорат ва тадбиркорлик ишлари билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат йўқ эди. Бунинг устига олиб келинаётган 75 миң сўмлик спиртли ичимликлар акциз марказиз эди. Шундай ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйган фуқаролар устидан Жиноят кодексининг 188-моддаси 3-қисми билан жиноий иш қўзғатилди. Ҳозир тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Яқинда Қизилтепа туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам «Ишонч» телефонида берилган хабар тўғрисида икки нафар сохта текширувчиларни қўлга туширдилар. Тумандаги «Азисобод» деҳқон ва буюм бозорида пайдо бўлиб қолган икки нафар «тектирувчи» ён-атрофдаги қишлоқларда шубҳа уйғотган эди. Инспекция ходими Баҳодир Содиков ва бозор ходими Азамат Жу

маев дарҳол улар изига тушди.

«Текширувчи»лар кўрkitиш ва таъмағирлик йўли билан бир тадбиркордан икки миң сўмлик, иккинчи тадбиркордан эса икки ярим миң сўмлик турли хил маҳсулотларни бепул олиб эндигина жуфтани ростилайман, деб туришганда қўлга олинди. Солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза этиш идоралари ходимлари ўтказган суриштирув давомида уларнинг бири Қизилтепа тумани «Тавоис» жамоа ҳўжалигида истиқомат қилувчи 1964 йилда туғилган Моҳира Ҳўжаева, иккинчиси эса шу тумандаги «Маликработ» шахарчасида истиқомат қилувчи, Фарғона юридик лицейи 2-курс талабаси, 1981 йилда туғилган Уткир Бўриев бўлиб чиқди.

Моҳира ёнидаги прокуратура органи ходими деган сохта гувоҳнома билан одамларни кўрkitиб, бўлмағур ишларни қилиб келаятган экан. Бу ишда Уткир унга ҳамтовоб бўлибди. Хар иккаласининг устидан жиноий иш қўзғатилди. Ҳозир тергов ҳаракатлари қўлга олинди. Уларни қўлга туширишда фаол иштирок этган туман давлат солиқ инспекцияси ходими Баҳодир Содиков эса раҳбарият буйруғи билан муқофотланди.

Ж.НОСИРОВ,
Давлат солиқ кўмитаси
Матбуот хизмати
раҳбари.

ЯНГРАЙВЕРСИН БАХШИ ҚЎШИҒИ

Саҳнада гоҳ қилгиллаб, гоҳ сакраб ирғишлайётган, мусиқа асбобларининг шовқини етмабандек, бор овози билан бақираётган бундай «навосиз навосоз»ларга халқимизнинг севимли адиби Чўлпоннинг бир ўғитини эслатгимиз келди.

Санъатда, ҳусусан, адабиётда турли оқим ва турли йўللари «уричи» кетган бир пайта Чўлпон ижодкорларни «халқ ичига юриш»га даъват этган эди. Чўнки, «халқ денгизидир» (Чўлпон), унинг ичига қанчалик кириб борсангиз, шунчалик дуру жавоҳир топасиз. Санъатнинг тайаси турлида бўлмасин, халқдан олиб, уни сайқаллаб, яна халқнинг ўзига қайтара олган ижодкоргина ҳақиқий санъаткордир.

Шуниси қувончлики, Чўлпоннинг бу ўғитига кейинги вақтда анчагина ижодкорлар амал қилмоқда. Узининг халқона оҳанглари, бахшиёна ижро йўли ва сервизмун кўшиқлари билан эл олқиниши олаётган Маҳмуд Намозов ана шундай санъаткорлардан биридир. У неча миң йиллардан бери яшаб келаятган асотирилар юрти Сурхондарёдан. Шунданми, она алласидан кейин ашитгани бахшилар кўшиғи бўлди. Ешлигидан юрагиди Алпомишнинг гайрати жўш урди. Хаёллари Гурўғлининг Фиротидек парвоз қилди...

Достону термалар тинглаб тоғлар оттирган ёш Маҳмуд қалбига кўшиқ қўйлаш ҳаваси эрта уйғонди. Саросиёнинг жўшқин сойлари-ю Боботўғнинг тошларини тинглаган илк кўшиқларини мактаб саҳнасига олиб чиқди. Устола-

ашула ва ракс ансамбли Маҳмуд Намозов ишга келганидан кейин янгидан жонланиб, қатор ўлмас кўшиқлар яратди. Энг муҳими, бу жамоа халқ ансамбли, деган шаарафли унвонга сазовор бўлди.

Халқ орасида юрган ҳофиз унинг дарди билан яшади. «Кўнғил» кўшиғининг сўзлари ҳам, оҳанги ҳам ўзбек халқ руҳига мос тушди. Кўшиқнинг эътиборли томонларидан бири шундаки, у энг замонавий эстрада санъати (рок-н-ролл) йўлида айтилган бўлиб, ёш тингловчилар қалбидан тез ўрин олди. Муҳими, М.Намозов бу кўшиғи билан шу кунгача ҳам эстрада-нинг энгил жанр, деб уйланди-ган баъзи кимсаларнинг фикрлари хато эканини исботлаб берди. Оғир рок йўлида (мусикада шундай термин бор) ҳам миллат дардини қўйлаш, халқ қўлига жозиб сўзларни ва соҳир оҳанглари етказиш мумкинлигини намойиш қилди.

Ҳофизнинг иккинчи кўшиғи Усмон Азим шўъри асосида яратилган «Ёлгон» ҳам кўнғиллик назариди энгил халқ санъатидан жанрда ҳақиқий бадийи қимматга эга бўлган шўърий асарларни ижро этиш мумкинлигини кўрсатди. Бу кўшиқнинг аҳамиятли жихатларидан яна бири шу эдики, у қадим Сурхон воҳасининг қадимий оҳанглари асосида яратилган бўлиб, мусиқий асоси халқ йўлига бориб тақаларди. «Ёлгон» билан бир пайтада ижро этилган «Қошинги қаролатай» кўшиғи ҳам Сурхон оҳанглари замонавий мусиқа йўлига солиш жиҳатидан мусикамизда анчайин янгилик бўлди, дейиш мумкин.

Хали ҳофизнинг орзулари бир олам. Яратмоқчи бўлган кўшиқлари эса ундан ҳам кўп.

Темир ҚУРБОН.

БАРЧА ТУРДАГИ ШАХСИЙ АВТОМОБИЛ ТРАНСПОРТИ ВОСИТАЛАРИНИНГ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Тошнефтмахсулот» корхонасининг Собир Раҳимов, Чилонзор ва Миробод туманларида жойлашган 18-106-, 121-, 130- автомобилларга ёнилғи қўйиш шохобчаларида ДИ-ЗЕЛ ёнилғини чекланмаган миқдорда сотилмоқда.

Агарда сиз дизел ёнилғисига эҳтиёж сезсангиз **марҳамат!**

Ёнилғини нақд пулга истаган пайт харид қилишингиз мумкин.

«Тошнефтмахсулот» корхонаси

«ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС»

давлат уюшмаси шаҳар транспорт-ида ишлаш учун кондукторларни ишга ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Ўртача ойлик иш ҳақи 8-10 миң сўмни ташкил этади. Меҳнат стажига қараб 25дан 50 фоизгача устама ҳақ тўланади. Трамвай ва троллейбус кондукторлари 5 йил илгари нафақага чиқиш ҳамда 25 фоизли даромад солиғи тўлаш имтиёзига эга бўладилар.

Кондуктор бўлиб ишлаш истагини билдирганлар:

«Тошшаҳарйўловчित्रанс» давлат уюшмасига (Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй, тел: 133-03-23, 34-84-19) ва Тошкент шаҳридаги автобус ва электр транспорт корхоналари ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.

«Тошшаҳарйўловчित्रанс» давлат уюшмаси.

Тақдирлардан сўзлар ю.и.дузлар

(26 апрелдан 2 майгача)

КҲЙ — Аввал режалаштирилган, лекин бажарилмай қолган ишларнинг бароридан келди. Сафар ва учрашувлар керакли маълумотлар олиш учун омадли бўлади. Жума ва дам олиш кунлари пулларингиз беқорга сарфланишининг олдини олинг.

БУЗОК — Барқарор бўлиб қолган ишлар учун қулай шароитлар юзага келди. Тадбиркорлик масалалари ижобий ечимини топади. Уткичи қайфиятларга эътибор берманг. Кўпгина муаммолар юзага келиши эҳтимол бор: соғлигингиз, қариндош-уруғларингиз безовта қилиши мумкин. Қувватсизликка дучор бўлишдан сақланг.

ЭГИЗАКЛАР — Ақлий фаолият, керакли маълумотларни излаш, сафарлар ушбу ҳафтада сиз учун айни мuddа бўлади. Сайр қилиш дўстлар билан учрашувлар, чарқоқи чикарадиган чораларни қўллангиз фойдадан ҳоли бўлмайди.

КИСКИЧБАКА — Хулоса чиқаришда, жавобгарликни ўз зиммангизга олишингизда мустақиллик даркор. Ушбу кунларда, жумагача сафар, учрашув, битим, келишув, олди-сотдилар бароридан келди. Ўқинларингиз томонидан алданиб қолишингиз мумкин.

АРСЛОН — Оилавий муносабатлардаги айрим асабийлашувлар иш қўбилишнингизга таъсирини ўтказмайди. Қувватингиз жўш уриб, ҳаётга қанқоқлигингиз ошади. Баъзилар моддий муаммоларни эриштиришда, Яқин кунларда ноёб гоиларингизни таъдиқ этишингиз мумкин.

ПАЗИЗОД — Барча нарсани ишдаги фаолият ва ўз қучингизга мустаҳкам ишонч ила уйғунлашди. Ушбуларнинг хуфна режалари ағрашманг. Ҳафта сўнгида турли вазиятлар даволаш муассасаларига мурожаат қилишингизга олиб келиши мумкин.

ТАРОЗУ — Ижодий маҳоратингиз қўлдан қийинчиликлардан чиқиб ёрдам беради. Севилиб одамнингизга ҳаддан ташқари талабчан бўлманг, унинг орзу-ҳаваси ва сирларини ҳурмат ила қабул қилинг. Ҳафта сўнгида яхшилаб дам олинг, бу сизга руҳий мувозанат сақлаш, чарқоқдан, муаммолардан фориғ бўлиш учун пойдевор асади.

ЧАЁН — Ушбу ҳафта касб фаолиятингиз, молиявий муаммоларингизни халқ қиласиз. Бажарилмай қолган ишларга қайта ёндашиш чакки бўлмайди. Асабларингизнинг таранглашиши, оилавий муносабатлардаги мураккаблилар соғлигингизга зарар қилмаслигига эътибор беринг.

УКОТАР — Тақабурликни енгсангиз ҳаётингиз барча жаҳаларида муваффақиятга эришасиз. Ҳаётнинг иккинчи яримиди муаммолар дўстлар маслаҳати ила ечиладилар.

ТОҒ ЭЧКИСИ — Мансаб, обрў масалалари сиз учун аҳамиятли бўлган учун бу борада баъзи бир тадбирларни амалга оширсангиз чакки бўлмайди. Бунда дўстлар, ҳамкасблар ёрдами фойда келтиради.

КОВҒА — Иш кунлари мураккаб бўлиши қўйилмоқда. Қўйилмаган воқеалар, маълумотлар учун тахт бўлишингизга таъдиқ этилади. Қўйилган ва тўғланмаган ишларни ниҳоятга етказишга унсангиз айни мuddа бўлади.

БАЛИК — Ушбу кунларда бошқа ишга ўтиш имконияти юзага келди. Учрашув ва ҳаётингиздаги бошқа воқеалар ўз нуфузингизни халқ қилишингизга ёрдам бериб, иккиланшлардан фориғ қилади.

Ўзбекистон Кичик, ўрта ва хуросий тадбиркорлик ходимлари қасаба уюшмаси Марказий Кенгаши Хоразм вилояти қасаба уюшмаси кенгашининг раиси Бахтиёр Ибрагимовга волидаи муҳтарамаси **Ровия ая ОТАХОНОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИШОНЧ
БОШ МУҲАРРИР: **МИРҒИЁС ҚАЙУМОВ**
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

Бош муҳаррир: **МИРҒИЁС ҚАЙУМОВ**
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Бош муҳаррир қабулхонаси - 56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари - 56-52-89
Матбуот котиби - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт - 56-82-79.
Ахборот ва спорт - 56-87-63. Маълумот ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва муҳаббат билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ - 56-85-66.
ВИЛОЯТ МУҲАБИРАЛИ:
Жизғилча - 3-83-01. Наманган - 6-22-10. Самарқанд - 35-64-24.
Фарғона - 24-58-43. Урганч - 6-03-40. Қарши - 3-19-11.
Қумқўрғон - 54-3-58.

Сотувда эркин нархда.
Маънаши: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр курсатиқчи: 133; 134
Газета 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 0005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширишда 22.00